



34

140300, Samarqand viloyati Samarqand tumani Gulobod qo'rg'oni Tel/faks 612-55-31 612-55-90

01.5 у.г. "11" май

№ 600-К Samarqand t-p Самарканд

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "COSCOM" хорижий корхонаси ("Ucell" савдо белгиси)га GSM антенали мачта иншооти куриш учун 50 кв.м ер майдони ажратиш хақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил майдаги баённомаси, Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "COSCOM" хорижий корхонасининг туман ҳокими номига ёзган хати, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил майдаги баённомаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "COSCOM" хорижий корхонаси ("Ucell" савдо белгиси)га GSM антенали мачта иншооти куриш учун МЧ "Навруз-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 72-контуридан жами 50 кв.м (шундан: 50 кв.м қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. GSM антенали мачта иншооти куришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "COSCOM" хорижий корхонаси ("Ucell" савдо белгиси)га топширилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси"га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров